



O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Узбекистон Республикаси Фанлар академияси

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О'ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

4 / 2024



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

uzbek tili va adabiyoti

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

4
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мақсуд АСАДОВ

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Ғулом ИСМОИЛОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Сувон МЕЛИ

Ёркинжон ОДИЛОВ

Манзура ОТАЖОНОВА

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Гулчеҳра РИХСИЕВА

Шомирза ТУРДИМОВ

Бокижон ТЎХЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Алмаз УЛВИЙ

Баҳтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ


Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Хайрулла ҲАМИДОВ



Манзилимиз:
 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
 Телефон: (71) 233-71-44
 E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
 № 4, 2024

Мухаррир Э. Очилов
 Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
 19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
 Гувоҳнома №0053

[Faint, illegible text, likely bleed-through from the reverse side of the page]

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2024 йил.

Тилнинг
 худудидаги т
 ҳамда тил си
 кўрсаткичди
 ривожлантир
 миллатларни
 тезлашуви п
 шунчалар ах
 кишиларнинг
 тилнинг бу
 қабул қилад
 тутилади.

Ўзбек
 қуввати орт
 киши ўзбек
 агентлигини
 мамлакатим
 миллион ки
 киши; 4) қо
 қирғизлар –
 – 187,3 минг
 киши; 11) о
 13) бошка м

Юқори
 таълим-тар
 тилидан, ш
 миллат ваки

Стати
 Ўзбекистон
 сингари хал

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тилнинг демографик куввати.....	3
А.Ҳасанов. Шевага хос ибораларда <i>бош</i> сўзининг айрим семантик хусусиятлари.....	9

Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги

Б.Каримов. Закий Валидийнинг "Девони Махтумқули" мақоласи ҳақида....	18
А.Улуғов. Махтумқули сабоқлари.....	23
Д.Гайпов. Махтумқули шеърлятида ишқ-муҳаббат талқини.....	29
Э.Очилов. Махтумқули ва ўзбек адабиёти.....	32
С.Сариев. Махтумқули шеърляти ва халқ бахшилари.....	41

Илмий ахборот

М.Худойқулов. Илк жадид матбуотида ҳажвий публицистика.....	46
В.Алимасов. Абу-л Фазл ал-Ҳамадонийнинг ҳаёти ва ижоди	49
О.Ҳамроева. Адабиёт назариясига оид илк дарслик	53
А.Қурбанов. Навоий ғазалиётида тамсил, таносуб ва истиора уйғунлиги ...	59
М.Мавланова. Ширин образи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	66
Э.Ҳазратқулова. "Бобурнома"нинг Аннета Бевеиж таржимасида маданий-адабий муҳитга оид қайдлар	70
Д.Азизова. "Ўткан кунлар" романида архетипик мотивлар трансформацияси.....	75
Ф.Тиллабаева. Ўзбек ва рус фольклоридаги астрономик топишмоқлар қиёси.....	80
С.Қурбанова. Шукруллонинг бадий публицистикаси.....	85
С.Маҳмудова. Адабий таъсир ва илҳом самараси.....	90
Ф.Низомов. Тарихий воқелик ва характер	94
Ғ.Атаджанов. Усмон Носир образининг бадий талқинлари.....	99
Д.Зарипова. Навоий ва Ҳувайдо ижодида Иброҳим Адҳам образи.....	103
Д.Ходжаева. Ўзбек тилида расмий эпидейтик нуткий жанрлар тизимининг ўзига хослиги.....	107
О.Хайтбаев. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ адабий тилларидаги аллофраземалар.....	112
Л.Раҳимова. Тилшуносликда оғзаки дискурсни белгиловчи лингвистик омилларнинг ўрни.....	116
Ш.Аннакулова. Неология ва неография – тилшуносликнинг йўналишларидан бири сифатида	119
О.Ўринова. Қашқадарё лексикасида чорвачилик билан боғлиқ терминлар.....	124
С.Баратова. Ўхшатишнинг лингвопоэтикадаги ўрни.....	127

Я.Адылов. Демон
А.Ҳасанов. Нек
"бош" (голова) в

Б. Каримов. О с
А. Улугов. Уро
Д. Гаипов. Инт
Э. Очилов. Мах
С. Сариев. Поэ

М.Худайкулов.
В.Алимасов. Ж
А.Хамраева. П
А.Қурбанов. Га
М.Мавлянова.
Э.Ҳазратқулов
переводе "Бобу
Д.Азизова. Тра
романе "Мину
Ф.Тиллабаева.
узбекском и ру
С.Қурбанова.
С.Маҳмудова.
Ф.Низомов. И
Г.Атаджанов.
Д.Зарипова. О
Д. Ходжаева.
речевых жанр
А.Хайтбаев. А
каракалпакски
Л.Раҳимова. Н
устный диску
Ш.Аннакулов
направлений
А.Уринова. Т
в лексиконе Н
С.Баратова. Р

МАХТУМҚУЛИ САБОҚЛАРИ

Махтумқули шеърятининг шон-шуҳрати шоир ислом дини, ундаги чуқур инсонпарварлик, ҳаётсеварлик фалсафасига асосланганидан келиб чиқади. У ана шундай мустаҳкам пойдеворда турганлиги туфайли замонлардан-замонларга, эллардан-элларга ошиб яшайди. Унинг ўртаниб, ёниб ёзган шеърларида туйғу, ҳиссиёт маъно-мазмун билан табиий тарзда ўзаро уйғунлашиб, данак ичидаги ялакат мағизга ўхшаб кетади ва мавзуси, ҳажмининг катта-кичиклигидан қатъи назар, инсон бўлиб яшаш учун нима қилиш кераклигидан сабоқ беради. Махтумқули ўзидан аввал ва кейин яшаган барча шоирлардан туйғу, фикрларини барча бирдай осон тушунадиган содда ва оддий тилда ифода этиши жихатидан ажралиб туради. Шоир шеърларини дунёнинг сир-тилсимларини нозик хис этиш ва кечинма, фикрни жуда таъсирчан ифодалашнинг мумтоз намунаси, деса бўлади. Бу туркман шоирининг ёзганлари ўзининг ана шу ажойиб хусусияти боис туркий дунё маърифий шеърятини учун мўътабар андоза бўлиб келади. Мукулмон Шарқ шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан беҳабар, ундаги рамз, ишоралар маъно-моҳиятини билмайдиган кишилар ҳам Махтумқули шеърларини мириқиб мутолаа қилади. Улар асосида айтилган қўшиқларни маза қилиб эшитади. Чунки у ўз шеърларида кишига бир олам завқ бағишлайдиган ёки уни беихтиёр ўйлантириб, изтиробга соладиган теран маъноли салмоқли фикрларни тақдим қилади. Ҳаётнинг айнаи ўзидан олинган, тарихи қўп олис замонларга бориб боғланадиган, турмушнинг олови ҳеч қачон ўчмайдиган синов-тажриба кўрасида ёниб тобланган бу фикрлар миянинг туб-тубига етиб бориб, унинг жамики хужайраларини зириллатиб юборади.

Махтумқули инсоният тарихида ўчмас из қолдирган бурча улуг сиймолар сингари ўзининг аҳволи, фаолиятига, замондошларининг дунёқараши, ўзаро муносабатларига танқидий нуқтаи назардан қарайди. Бунда у муқаддас ислом динининг инсонпарварлик, ҳаётсеварликка асосланган тартиб-мезонларидан келиб чиқади. Шу боис шоир инсон шаънига номуносиб, "қоинот гултожи"га ярашмайдиган, уни таҳқирлайдиган ҳар қандай ҳолат, ҳаракатнинг ҳар бир тафсилотини дард, аламга тўлиб, изтиробга тушиб, баён қилади. Масалан, "Ота-ўғил дардлашуви"да Махтумқули: "Киши сўзламаса, сири фош бўлмас, // Яхшини, ёмонни билган ёш бўлмас... // Қалбимга кирибдир Ислому ҳаваси, // Тангадир, дирҳамдир халқнинг тамаси" дейди¹. Шоир бошқа шеърларида ҳам маърифий адабиётнинг панд-насихатга йўғрилган ёрқин хусусиятларини шу тарзда ўртаниб, ёниб таъсирчан ифода этади. "Хуш қол, гўзал Шерғози!" шеърисида таълим олишга даъват қилиш маърифатпарварлик адабиётида марказий ўрин тутуши ва бунинг сабабларини: "Ҳақдан бизга буйрук, фарз эрур билим, // Сенда таълим олдим, очилди дилим... // Ажратарман энди оку қорани..." тарзида таъсирчан ёритади².

Махтумқулининг бошқа шоирлардан фарқи ва асрлар оша машҳур бўлиб келаётганининг сабаби шундаки, у ўз шеърларида инсонни ўраб

¹ Махтумқули. Сайланма (М.Кенжабек таржимаси). – Тошкент: "Фан", 2004, 28-бет.

² Ўша ерда, 29-бет.

турган, у кўриб, сеза оладиган ташқи реал олам ҳодисаларини ҳам, унинг руҳияти, ички дунёсига хос хиссиёт, кечинмаларни ҳам тушунарли ва таъсирчан тарзда ифода этади. Унинг "Кўринг", "Синдирар" сингари ўнлаб шеърлари ҳикматга йўғрилган манзумалар қанча замон ўтса-да, эскирмаслиги, уларга ҳамма нарсани емириб, яроксиз қилиб қўювчи, моддий ва маънавий неъматларнинг шакл-шамойили, сифатини бузувчи Вақт шамоллари ўз ҳукмини ўтказолмаслигига ёрқин далил бўла олади. Чунки "Кўринг"да: "Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз, // Маъракада ўтириб-туришин кўринг. // Биров билан ошна бўлай десангиз, // Аввал ўз сўзида туришин кўринг... // Мард йигитнинг иши, суҳбати соз бўлар, // Кўнгли киш бўлмайин, доим ёз бўлар, // Яхшининг кўнглида гина оз бўлар, // Ёмоннинг кунда бир урушин кўринг" дейилса, "Синдирар"да: "Иқболнинг уйғонса, давлат ёр бўлса, // Токқа кесак отсанг, тошни синдирар. // Толеинг терс келса, бахтинг шўр бўлса, // Паловнинг гуручи тишни синдирар (Ж.Шарипов таржимаси) дейилади³. Бундай шеърлар, ўз-ўзидан аниқки, Махтумқули ҳикматларга йўғрилган панд-насихатлар битиш бобида жаҳон шеърляти намояндаларининг олдинги сафида туради, дейиш учун тўла асос бўла олади.

Махтумқулининг ижодий мероси у тақдирнинг кўп зарбаларига дуч келгани, турмушда кўп азоб тортгани ва қалбида ўртаниб, ёниб шеър битиш истаги ғоятда кучли бўлгани, мутолаага иштиёқи ҳеч сўнмагани, қиёфа-кўриниши, феъл-атвори бир-бирига ўхшамаган одамлар ва уларнинг зиддиятларга тўла ўзаро муносабати унга кишиларга панд-насихат қилиш учун зарур асосга айлангани, ўткир саволлари, маъноли жавоблари билан давраларни қиздириб юргани, унда одамлар йиғилган жойда умумий суҳбатни қовуштириб туриш қобилияти кучли бўлгани, юрагида топталган севгиси изтироблари тузалмас жароҳат сифатида чуқур из қолдиргани, шахсияти ўзи яшаган замонга, истикомат қилган муҳитга мос келмаганидан ўртаниб, ёниб изтиробга тушгани, унинг учун серғалва дунё шеър ёзиш учун муҳим бир восита бўлиб қолганидан сўзлайди.

Махтумқули ҳамма замонлар учун ибрат бўла оладиган маънан-руҳан баркамол инсон бўлганига далил шуки, у шеърларида ўзи яшаётган муҳит носозлиги, ислом дини аҳкомлари топталаётгани, ўзи ҳам бошқалар томонидан ранжитилгани тўғрисида кўп нолиса-да, лекин яхши фазилатли барча одамлар сингари ўзига азият етказган зolimларни қарғаб, уларга ёмонлик тиламайди. У изтироб, аламларини: "Суҳбатларда Ҳақ каломин айтар йўқ, // Мажлисида бир насихат қилар йўқ. // Ҳалол қайси, ҳаром қайси, билар йўқ, // Фойда қайси, зиён қайси билинмас" ("Билинмас"), "Муҳаммад уммати молсиз бўлмасин, // Молсиз бўлса, қавму қариндош ёт бўлар. // Қочар оға-ининг, бўлмас хотиранг, // Душманларинг шод-у, дўстинг мот бўлар" ("Бўлар"; Ж.Шарипов таржимаси) тарзида норозилик билдириш билан кифояланади⁴. Бу эса Махтумқули имон-этикоди мустаҳкам, яхши хулкли барча кишилар каби одамларда, улар ким эканлигидан қатъи назар, виждон борлиги, у қачон бўлса ҳам, албатта, уйғонишига ҳамиша умид қилгани, чин дилидан ишонганидан дарак беради.

Шоир "Тургил!" дедилар", "Бир жумъа кечаси" шеърларида хаёлини банд этган воқеалар тушида эмас, худди ўнгида содир бўлгандай қаламга олади. Махтумқулининг ўртаниб, ёниб ёзган бошқа шеърларида ҳам дард ва

³ Махтумқули. Дунё ўтиб борадир (Тузувчи: Э.Очилов). – Тошкент: "Шарқ", 2007, 24–27-бетлар.

⁴ Ўша ерда, 57–61-бетлар.

куво
келти
барк
маъри
Шеър
қили

тера
ўрта
келти
тўғри
туша
ўзи
ичид
шири
бери
сола
наси
улар
қуйи

неъм
кувв
кила
ходи
ўзга
ҳақи
рағб
учун
дони
этиб
кулл
авва
узок
беиҳ

бўла
эри
мус
ода
"Ай
қат
маъ
ота
"Му
бош
сир
каз

кувончга тўла оҳанглар юракларни гоҳ маҳзун, гоҳ хушнуд этганча жунбишга келтириб, осмонга ўрлайди. М.Кенжабек улуғ туркман мутафаккири ижодида барқ уриб турадиган ана шу хусусиятга асосланиб: "Махтумқулининг бутун маърифати, исломий муҳаббати, ишки, шавки, қайғуси шеърларида акс этади. Шеърляти шоир қалбининг кўзгусидир. Махтумқули шеърляти бани башарга қилинган оташин ва маърифий хитоблардан иборат", – деб таъкидлайди⁵.

Донишманд шоирнинг шеърларидаги сўзларнинг мусиқий оҳанги, теран мазмуни ўзининг ҳоли-аҳволини ўйлаб, изтиробга тушган юракларни ўртаб, хотиралар қатида яшириниб ётган кечинма, ҳиссиётларни жунбишга келтиради. Ўшанда ҳар бир одам ўзининг сездирмасдан ўтиб кетган умри тўғрисида ўйлаб, бундан кейинги ҳаётини тасаввур этолмасдан ташвишга тушади ва бу масалада бошқалар унга ҳеч қандай кўмак кўрсатолмайдиган, ўзи ҳам ўзига ҳеч қандай ёрдам беролмайдиган ожиз банд эканини ич-ичидан ҳис қилади. Ўша пайтда маслаҳат ва панд-насихатлар қанчалик ширин, маъноли эканлигидан қатъи назар, малҳам бўлиб, таскин-тасалли бериш ўрнига, мияга, қалбга бамисоли тиг бўлиб қадалиб, кишини кўп азобга солади. Махтумқули шеърларининг бундай таъсир қуввати улардаги панд-насихат, ўғит мазмунидаги ҳикматлар китоблардан ўқиб-ўзлаштирилмагани, улар ҳаётнинг айнан ўзидан олингани, бу шеърлар шу боис одамнинг қалбига қуйилиб, онг-тафаккурига ўрнашиб олишидан келиб чиқади.

Бу туркман шоири чин донишманд эканлиги, у ана шундай илоҳий неъмат билан сийлангани боис ёниб-қуйиб битган шеърларида қалбни қувватлантирадиган, онг-тафаккурни кучайтирадиган маъно-мазмун тақдим қилади. Бошқа шоирлар эса ўқувчиларга ўзининг ҳис-кечинмалари, ҳаёт ҳодисалари тўғрисида маълумот, хабарни етказади. Махтумқули шеърлари ўзга шоирларнинг шеърларидан фарқли ҳолда, кишини ўзининг ҳоли-аҳволи ҳақида ўйлатиб, уни ўзига ўзи савол беришга ва уларга жавоб топишга рағбатлантиради. Ўзи билан ўзи мунозара қилган одам эса охир-оқибатда, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам макбул, тўғри йўлни, албатта, топади. Туркман донишмандининг: "Кел, кўнглим, мен сенга насихат қилай, // Ватанни тарк этиб кетувчи бўлма. // Ўзингдан паст бўлган ғайир, номарднинг // Хизматида куллук этувчи бўлма..." (Ж.Шарипов таржимаси) деган ўғит, насихатлари аввало унинг ўзига қаратилади⁶. Уларнинг маъно-мазмуни турмуш кўрасида узоқ замон ёниб тоблангани, пухта-пишиқ тажрибага асослангани боис беихтиёр бошқалар диққатини ҳам жалб этади.

Махтумқули шеърларини "ҳикматларга тўла маънавий хазина" деса бўлади. Ҳаётда ҳамиша асқотадиган, амал қилганлар фақат муваффақиятга эришадиган бу ўғитлар ҳар бир одамнинг маънавий камолотга эришишида мустаҳкам пойдевор бўла олади. Бу ҳақиқат эса минглаб, миллионлаб одамлар қалбидан жой олган "Бўйларингга", "Бўлмас", "Кўринг", "Синдирар", "Айрилдим" сингари бири биридан ажойиб шеърлар муаллифи сўзлари қатқат маъноларга тўла муҳтарам зот эканини тасдиқлайди. Махтумқулининг маърифат нури чарақлаган шеърлари барча замонлардаги ҳамма одамларга оташин мурожаат каби янграйди. "Яхши от қолсин", "Фош этар сени", "Муҳтож айлама", "Қиш бўлар", "Элни кўзлар", "Айрилма", "Банданинг" ва бошқа шеърлар бунинг ёркин далили. Чунки "Фош этар сени"да: "Ички сиринг айтма ҳар бир номардга, // Сиринг элга ёйиб, фош этар сени. // Ўғри-каззоб билан ҳамқишлоқ бўлма, // Молингдан айириб, оч этар сени. // Эзма

⁵ Кенжабек М. Махтумқули – валий шоир // Махтумқули. Сайланма, 13-бет.

⁶ Махтумқули. Дунё ўтиб борадир, 90–91-бетлар.

одам билан ўтирма-турма, // Зинҳор номард билан ҳамсухбат бўлма. // Қадрдон дўстиндан юзинг ўтирма, // Борсанг, боши узра тож этар сени..." (М.Аҳмад таржимаси) дейилади⁷.

Махтумқулининг ўтли мурожаат, самимий даъватларни бағрига жо қилган шеърлари одамларга инсонлик моҳиятидан сабоқ бергани боис асрлар оша қадрланиб келади. Мутафаккир ўз шеърларида инсоннинг маънавий камолоти, рухий юксалишига тўсқинлик қиладиган такаббурлик, очкўзлик, шуҳратпарастлик, шафқатсизлик, золимлик, зўравонлик, манманлик, худбинлик, мутаассиблик сингари иллатларни таъсирчан тарзда асослаб, ёниб, ўртаниб, мазаммат қилади.

Махтумқули ҳикматга йўғрилган мурожаатларида замона зиддиятлари, одамлар феъл-атвори мураккаблиklarининг таг замирини очиб беради, инсон ҳаёти моҳиятининг жумбоқ жиҳатларига эътибор қаратади. Унинг одамзод турмушидаги норасоликларга қўйган "ташхис"лари ғоят аниқлиги ва ниҳоятда таъсирчанлиги билан барча замонда одамларни ҳайратга солади. Махтумқули бошқа шоирлар сингари сўзларига жило бериб, мисраларига турли бадий санъатлардан либос кийдириб, гапни олиб қочмайди. У ҳар бир шеърида фикрини тиник, тушунарли тарзда ифодалаб, хулосасини жуда таъсирчан этиб, тақдим қилади. Мутафаккир ҳеч бир шеърида ҳаёл-тасаввур кенглиklarини кўз-кўз этиб, фантазияга берилмайди. Донишманд шоир ҳар бир шеърида ғалва, можароларга, талашин-тортишинларга ҳамиша тўла турмушнинг айнан ўзига мурожаат қилиб, одамларга инсонлик моҳиятидан сабоқ беради.

Махтумқули муҳаббат мавзуидаги шеърларида бу сир-синоатга тўла мафтункор ҳиссиёт кишига бахш этадиган завқ-шавқ, ҳаяжонни, унинг ҳижрони етказадиган азобу изтиробни юрак-юрагидан ҳис этиб ифодалайди. Мутафаккирнинг айна шеърлари қалбнинг қатида яшириниб ётган хотираларни жунбишга келтириб, юракни ўртаб юборади. Ўшанда ҳар бир одам муҳаббатнинг мунаввар оғушида кечган чоғларини эслаб, кейинги ҳаётини тасаввур этганча ўйчан, маҳзун бўлиб қолади, инсон ҳаёти азобу машаққатларга тўла синов майдони экани, кишининг тақдири эса доим қутилмаган тасодифу адоқсиз чалкашлиklar билан кечишидан ҳайратга тушади ва доим ўзгарувчан, серғалва бу дунёда яшаш ҳеч ким учун ҳеч қачон осон кечмаслигини англаб етади. Чунки бу беназир шоирнинг шеърларидаги: "Кўрсам ҳуснинг – йўқ армоним, // Сенсиз хазон бўлсин жоним. // Иқболим, дини-имоним – // Қилсам ҳурмат бўйларингга" ("Бўйларингга"; Ж.Шарипов таржимаси) каби ҳароратли сатрлар муҳаббат ҳисси мавж урган юракларнинг шодлиги, қувончу ҳаяжонининг изҳори бўлиб жаранглайди.

Бу улуғ шоир нафақат илоҳий ишқни шарафлаган шеърларини, балки инсоний муҳаббат мавзуидаги шеърларини ҳам изтиробга тўлиб, ҳасратларини кўз ёши, дил дардига қориб ёзади. Унинг ёниқ сўзлари шу боис неча замонлардан бери беихтиёр кўнгилларга кўчиб ўтиб, кишиларга завқ-шавқ улашади, беғам, бепарво одамларни сергак тортириб, дардманд қилиб қўяди. Чунки шоир ўзида нурни ва сирни яширган маҳбубани: "Кўрган киши фидо бўлар, // Эл-юртидан жудо бўлар. // Махтумқули гадо бўлар, // У каромат бўйларингга" деб мадҳ этади ("Бўйларингга"; Ж.Шарипов таржимаси). "Айрилдим, ғунча гулимдан, // Қора сочи сунбулимдан. // Хуш

⁷ Ўша ерда, 146-бет.

овозли булбулимдан, // Ширин гуфтордан айрилдим" деб нола қилади ("Айрилдим"; Ж.Шарипов таржимаси).

Мазмун-моҳияти ҳеч бир замонда эскирмайдиган, кадри, аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ўғит, панд-насихат, ўтли, оловли хитоб Махтумқули шеърятини маъно марказини ташкил этади. Шоир аксарият шеърларини изтиробга тўлиб, панд-насихат қилиш билан бошлаб, ўткир ўғит айтиш билан тугаллайди. Масалан, "Кетиб борадир" шеърининг дастлабки бандида: "Мол-дунёга ҳирс қўйманг, эй ёронлар, // Кимга келиб, кимдан кетиб борадир. // Искандар мисоли даврон сурганлар, // Навбат билан бир-бир ўтиб борадир" (Ж.Шарипов таржимаси) деб мурожаат қилса, "Қиш бўлар"ни: "Тингланг, насихатим шудир, йигитлар, // Ёмон хотин яхши эрга қиш бўлар. // Мудом "оҳ" чекарсан, зехнинг кунд этар, // Кундузги хаёлинг тунда туш бўлар", – деган хитоб билан бошлайди ва шеърни: "Махтумқули айтар: Сўзим оламдир, // Насихатим улуғ элга аламдир. // Олғир шунқор, лочин овда маълумдир, // Қарға, ҳакка, нари борса, қуш бўлар" (М.Аҳмад таржимаси) деган хулоса билан тамомлайди. Бундай салмоқдор хулосаларда фикр-мулоҳазаларнинг мазмуни мағзи мужассамлашади.

Махтумқулининг ҳар бир шеъри, мавзуидан, эътибор қаратилган муаммосидан қатъи назар, унинг ҳаётдаги энг олий мақсади одамларга манфаати тегадиган, уларнинг онг-шуурини нурлантирадиган, уларни эзгу амалларга йўллайдиган таъсирчан панд-насихат айтиш бўлганини ойдинлаштиради. Улар бу ҳассос инсон қалбини, онг-тафаккурини ана шундай тийиқсиз илоҳий истак қамраб олгани, бу, ҳатто, унинг учун нафас олишдек бир ҳолга айлангани боис мукамалликнинг олий кўриниши – барча бирдек осон тушунадиган, мутолаа қилган, тинглаган ҳар қандай одам беихтиёр мафтун, маҳлиё бўлиб қоладиган оддий, содда шеърлар ижод қилганидан далолат беради. Бунга яна бир мустаҳкам мантиқий асос шуки, бу туркман мутафаккири ижодий меросида ислом дини ғоялари барча динлардаги инсонпарварлик, эзгуликни улуғлаган маърифат билан уйғунлашиб, жамулжам бўлиб кетади. Шоир шеърлари ана шундай мухташам, метиндек мустаҳкам пойдеворда тургани боис ҳар бир кишида ўзининг ҳоли, аҳволини билиш, ботинини кўриш истагини уйғотади. Уларни ўзининг кимлиги, инсонлик даражаси не қадар эканини идрок этмоққа ундайди.

Махтумқулининг талайгина шеърлари савол-жавобга асосланади. У аксарият шеърларида риторик сўроқлар қўйиб, хитоб қилади. Бу сўроқлар, савол-жавоблар ўқувчини диққатини жамлашга, шоирнинг сўзига эътибор қаратишга мажбур қилади. Улар шеърдаги мазмунни бўрттириш баробарида, мисралардаги сўзларни бир-биридан алоҳида ажратиб, урғулаб кўрсатади. Махтумқули билан Дурди шоир ўртасидаги савол-жавоб (Ж.Шарипов таржимаси) ҳам, "Озодий билан айтишув", "Ота-ўғил дардлашуви", "Дурди шоир билан Махтумқули айтишуви", "Махтумқули билан Зунубий айтишуви", "Кел, Маъруфий, жавоб бер" (М.Кенжабек таржималари) ҳам жуда оддий, содда, тушунарли ва ғоят таъсирчан бўлиб, улар барча замонлар учун шеърятнинг мумтоз намунаси сифатида хизмат қилади. Масалан, Махтумқулининг Дурди шоир билан савол-жавобини мутолаа қилаётган, тинглаётганлар беихтиёр бутун эътиборини жам этиб, саволларга қандай жавоб қайтарилишини ҳаяжон билан кутиб, ўзича турлича тахминлар қилади. Сўзлари сойдаги тиник сув каби равон оқадиган, ҳар банди тўрт мисрадан таркиб топган бу Шарқ шеърятдаги айтишув, мунозараларнинг

мумтоз намунаси бўлган савол-жавоб жами 48 сатрдан иборат бўлиб, унда Махтумқули ислом динининг моҳияти, инсоннинг кундалик ҳаёти мазмуни, турмушнинг туганмас ташвишлари, ўнқир-чўнқир йўллари оралаб ўтадиган умрнинг маъно-мазмуни, ҳар бир киши, албатта, билиши зарур ҳақиқатлар билан боглиқ муҳим саволларни қўйиб, Дурди шоирга "Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар", – деб мурожаат қилади. Бу саволларга Дурди шоир жуда вазминлик, босиқлик билан: "Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу", – деб оқилона жавоб қайтаради. Махтумқули билан Дурди шоирнинг ақллилигини кўрсатиш иштиёқи, манманлик, такаббурлик иддаосидан тамоман холи бу савол-жавоби ўзаро самимий ҳурмат, чинакам инсоний меҳр-оқибат, ибрат намунаси бўла оладиган тенглик туйғусига асосланганлиги боис кўнгилга ёруғ ҳислар олиб киради. "Савол-жавоб"нинг матни билан танишган, тинглаган ҳар бир киши ўзида, албатта, бу ҳолатни сезади ва бундан беихтиёр мамнун бўлади. "Махтумқули: – У нимадир – ёқаси бор, ёни йўқ? // У нимадир – қаноти бор, қони йўқ? // У нимадир – одам ютар, жони йўқ? // Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер! // Дурди шоир: – У кафандир – ёқаси бор, ёни йўқ, // Капалақдир – қаноти бор, қони йўқ, // Қора ердир – одам ютар, жони йўқ, // Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!.. // //Махтумқули: –У нимадир – емадилар, тўйдилар? // У нимадир – улуғ кунга қўйдилар? // У ким эди – товонидан сўйдилар? // Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер! // Дурди шоир: – У дийдордир – емадилар, тўйдилар, // Ул намоздир – қиёматга қўйдилар, // Насимийни товонидан сўйдилар, // Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!" Бу шоир ўз шеърларида, жумладан, савол-жавоб ва айтишувларида кўпчиликнинг дилида турган, лекин тилига чиқара олмайдиган сўзларни топади, жарангдор, таъсирчан гаплар силсиласини тизади.

Махтумқули нима учун сўз айтаётгани, панд-насихат, ўғитларини шеър шаклига солиб ёзишдан мақсади нима эканини жуда яхши билади. Чунки у бу вазифа ўз зиммасига илоҳий илҳом кўринишида юклатилганини савки табиий билан идрок қилади. Шу боис ҳаёт ҳодисаларидаги оддийлик ва мураккаблик қоришиғини, ундаги туганмас, сарҳадсиз зиддиятни барчага бирдай тушунарли сўзлар воситасида жуда таъсирчан қилиб ифодалайди. Серғалва кечган кўҳна тарих ҳам, суръати тез ўзгаришларга тўла ҳозирги замон воқелиги ҳам панд-насихат йўлида шеър битиш борасида шоирлик камолотига эришган Махтумқулининг ёзганларини қанча-қанча авлод жон қулоғи билан тинглаганидан гувоҳлик беради. Бу шоирнинг ҳассос шеърларини касб-кори, тирикчилик тарзи қандайлигидан қатъи назар, барча одамлар мутолаа қилганида энтиқиб ҳаяжонланади, эшитаётганида эса беихтиёр қувонади ва айни чоғда ўйланиб, маҳзун бўлиб қолади. Шеър ихлосмандлари, шоирликка даъвогарлар, ҳавасмандлар мумтоз адабиёт намояндалари орасида Махтумқулининг шеърларига кўп мурожаат қилишади. Чунки улар бу булбул шоирнинг шеърятидан қалбларига қувват бўлиб қўйиладиган, руҳларига малҳам каби ёқадиган жуда кучли маънавий озиқ олишади. Бу эса ислом динининг инсонпарварлик ғояларини улуғлаб, эзгуликни шарафлаб, одамларни ҳақиқатга садоқат билан яшашга, элларни ўзаро меҳр-оқибат, ишонч, ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват қилиб шеърлар ёзган улуғ туркман мутафаккири Махтумқули ижоди ҳаётни, яшашни севувчи ҳар бир одам учун, ўз эркини, инсоний қадр-қимматини қадрловчи барча халқлар учун доимо ардоқли ва ҳамиша қадрли бўлиб қолишига мустаҳкам замин яратади.

Т
халқлар
ёзгани
дарғала
маъриф
инсон
шеър
И
Содда,
намун
чуқур
қўшиқ
шу қад
олиш

М
мажоз
ҳар и
ҳаёт
Махту
икки ё
ўлими
қалин
сингил
Қиз бе
И
бир не

Тошкент
2

"Sharq"

"Ўзбек"

2024